

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
ГОСПИТАЛ БОЛАЛАР ХИРУРГИЯСИ КАФЕДРАСИ**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Укув ишлари проректори
профессор _____ А.И.Искандаров
«_____» _____ 2009 й.

**7-КУРС ТАЛАБАЛАРИ УЧУН
ГОСПИТАЛ БОЛАЛАР ХИРУРГИЯСИ ФАНИДАН
ИШЧИ ДАСТУР**

ТОШКЕНТ – 2009

Фаннинг ишчи укув дастури Тошкент Педиатрия медицина институты Илмий Кенгашининг 2009 йил _____ сон мажлисида муҳокама килинди ва маъқулланди.

7 курс учун ишчи дастур госпитал болалар хирургияси фани укув дастури ва укув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчилар: ТошПМИ госпитал болалар хирургияси кафедра мудири т.ф.д., проф. Эргашев Н. Ш, т.ф.д. Эргашев Б.Б., доц. Каримова З.Х., доц. Шамсиев А.Ф. Ассистенты: Дияров Н.А., Якубов Э.А., Рахматуллаев А.А., Хуррамов Ф.М., Бекназаров З.Ж., Назирова М.

Такризчилар: 1. ТошПМИ факультет болалар хирургияси кафедра мудири т.ф.д., проф. Алиев М.М.

2. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти болалар хирургияси курси мудири, т.ф.д. проф. Бекназаров Ж.Б

Фаннинг ишчи укув дастури Педиатрия факультет Илмий Кенгашининг 2009 йил « ____ » _____ даги _____ сон қарори билан тасдиқланди

Илмий Кенгаш раиси:

2009 йил « ____ » _____ **Т.С. Агзамходжаев**

Келишилди

Кафедра мудири

2009 йил « ____ » _____ **Н.Ш. Эргашев**

2009-2010 уқув йили учун госпитал болалар хирургияси фанидан ишчи ўқув дастурига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Госпитал болалар хирургияси фанининг ишчи дастурига қуйидаги ўзгартиришлар киритилмоқда:

1. Амалий машгулотларнинг таркибига ва мазмунига ўзгартиришлар киритилди
2. Амалий куникмаларнинг қадама-қадам ургатиш киритилди.

Ишчи дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритувчилар:

Госпитал болалар хирургияси
кафедраси мудири т.ф.д., проф Н.Ш. Эргашев ва кафедра ходимлари

I. СЎШ БОШИ

1.1. Дастурнинг мақсади

Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида фаолият кўрсатувчи врач педиатрни мустақил равишда иш юритиш жараёнида уй, поликлиника ва кундузги шифохона шароитида болаларда кўп учрайдиган турли хирургик касалликларда диагностикани ва даволаш муолажаларини тўғри танлаш, режали операцияларни ўтказиш муддатларини белгилаш, стационаргача бўлган даврда зарур даво муолажаларини ўтказишга, беморни стационарга етказиш, шошилиш ва фавқулотдаги ҳолатларда тез ва бирламчи ёрдамни кўрсатишга, шунингдек, санитар-гигиеник, антиэпидемик, профилактика, диспансер назоратини ташкил қилиш ва реабилитация тадбирларини ўтказишга ўргатишдан иборатдир.

1.2. Дастурнинг вазифалари

1.2.1. Талабаларга ўқув жараёнини умумий амалиёт шифокори тайёрлаш учун мўлжалланган умумий дастур остида ташкил этиш ва тиббий-биологик ва бошқа фанлар билан интеграцияси асосида назарий билим ва амалий кўникмаларга эътибор бериш.

1.2.2. Ўқув жараёнида билим ва кўникмаларни чуқурроқ эгаллаш.

1.2.3. Квалификацион тавсиянома регламентига мос ҳолда, мустақил ишлаш кўникмаларини, умумий амалиёт шифокори фаолиятининг барча босқичларида ривожлантириш.

1.3. Талабаларнинг билимига, қобилиятига ва кўникмаларига талаблар

1.3.1. Талаба билиши шарт:

- Болаларда кенг тарқалган хирургик касалликларни этиопатогенезини.
- Болаларда хирургик касалликларнинг клиник кечиш хусусиятларини ва уларни дифференциал ташхислашни.
- Боланинг ёши, преморбид ҳолатни ҳисобга олган ҳолда хирургик касалликларнинг оддий ва асоратли кечишидаги клиник хусусиятларини.
- Алоҳида белги ва синдромларни диагностик аҳамиятини.
- Инструментал, биохимик, серологик ва морфологик текшириш усулларнинг имкониятлари ва қўлланишга бўлган кўрсатмаларни.
- Болаларда учрайдиган хирургик касалликларини умумий даволаш тамойилларини.
- Хирургик касалликларга чалинган болаларни диспансеризация ва реабилитация қилиш асосларини.
- Соғлиқни сақлаш бирламчи тизимида болаларга жарроҳлик ёрдамини ташкил қилиш тамойилларини.
- «Кичик» жарроҳлик муолажалари ва операция усулларини ўзлаштиришни.

1.3.2. Талаба бажариши шарт:

- Жарроҳлик касаллигини аниқлаш учун анамнез йиғиш ва беморда махсус текшириш усуллари бажара билиши.
- Касалликнинг кечиш хусусиятларига боғлиқ равишда эрта диагностика мезонларини аниқлаш ва дифференциал ташхислашни.
- Классификацион белгиларни қўллаган ҳолда касаллик ташхисини қўйиш ва даволаш тактикасини аниқлашни.
- Функционал, инструментал, лаборатория текшириш усуллари натижаларини интерпретация қилишни.
- Патогенетик ва синдромал даволаш режасини тузишни.
- Мутахассислар маслаҳатига кўрсатмаларни аниқлашни.
- Реабилитация тадбирлари режаларини белгилашни.
- Шошилиш ҳолатларида бирламчи тиббий ёрдамни кўсатишни.
- Кичик жарроҳлик муолажалари ва операцияларини бажаришни.

1.3.3. Ушбу ўқув фанини ўрганиш учун керак бўладиган бошқа ўқув фанлари ва уларнинг бўлимлари рўйхати

Болалар жарроҳлигини ўрганишда қуйидаги ўқув фанларини билиш керак бўлади:

- болалик даври анатомияси;
- топографик анатомия;
- анестезиология-реаниматология.
- клиник биохимия
- клиник фармакология.
- педиатрия.
- болалар травматологияси

1.3.4. Амалий машғулотлар турларига қараб вазифаларни бажариш учун керак бўлган минимал талаблар

Талабаларни ўқитишнинг асосий усули амалий машғулот бўлиб, у ўқитувчи назоратида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- Талабаларни болалик даври хирургик касалликлари этиологияси, патогенези, клиникаси, диагностикаси ва дифференциал ташхислаш усуллари билан таништириш;
 1. Тўғри ташхис қўйиш;
 2. Даво тактикасини аниқлаш (амбулатор ёки стационар);
 3. Лаборатория - инструментал текшириш усуллари натижаларини интерпретация қилиш;
 4. Стационаргача бўлган даврда тиббий ёрдам ва унинг ҳажмини аниқлаш;
 5. Реабилитацион чора тадбирлар ва уларнинг ҳажмини аниқлаш;
 6. Диспансер назоратни олиб бориш
 7. Вазиятли масалаларни ечиш;
- Ўқув ўйинларида иштирок этиш
- Профессор ва доцент кўрикларида иштирок этиш;
- Ўқув-изланиш бажариш ва талабалар илмий жамиятида иштирок этиш

1.3.5. Талабалар билимини баҳолаш учун назорат ишлари мезони

- Талабалар билими қуйидаги параметрлар билан баҳоланилади

- 1. Жорий баҳолаш (ЖБ).** Бу назорат усули гуруҳ ўқитувчиси томонидан ҳар куни сўроқ тартибида ўтказилиб, бунда талабанинг назарий ва амалий кўникмалари баҳоланади. Цикл охирида кунлик олинган баллар йиғилади. Жорий назорат учун максимал балл ушбу фанга ажратилган умумий баллнинг 45% ташкил қилади.
- 2. Талабанинг мустақил иши (ТМИ)** – умумий балл максимал баллнинг 5% ни ташкил қилади.
- 3. Оралиқ баҳолаш (ОБ).** Назоратнинг ушбу тури циклнинг охирида оғзаки имтиҳон шаклида ўтказилади ва умумий баллнинг 20% ни ташкил этади.
- 2. Яқуний баҳолаш (ЯБ).** Бу назорат усули ушбу фан бўйича циклнинг охириги кунда тест ва ёзма имтиҳон усулида ўқилади. Бу назорат трлари объектив структурали клиник имтиҳон бўлиб талабаларнинг назарий ва амалий билимларини олдиндан тайёрлаб қўйилган саволлар, жарроҳлик инструментлари ва касаллар ёрдамида аниқлашга имкон беради. Максимал балл умумий баллнинг 30% ни ташкил қилади (тест – 15%, ёзма – 15%)

1.4. Ўқув жараёнида компьютер, информацион ва бошқа замонавий технологияларни қўллаш

1.4.1. Ўқув жараёнини информацион технологик воситалар билан таъминлаш:

- тест синови
- ўқув видеофильмларини қўллаш
- компьютер дастурларини қўллаш
- хирургик операцияларни конференция залида намоиш қилиш

1.4.2. Маъруза ва амалий машғулотларда тарқатма материалларни қўллаш.

1.4.3. Маъруза ва амалий машғулотларда кўргазмали қуроолларни ишлатиш.

1.4.4. Ҳар хил мураккабликдаги вазиятли масалаларни ечиш.

- касалликнинг типик кечиши
- асоратланган вариантлари
- реабилитация тадбирлари
- профилактика тадбирлари

1.4.5. Кўргазмали ўйинлар:

- тез ёрдам учун
- поликлиника учун
- госпитал бўлим учун

1.4.6. Педагог, клиника ва лаборатория мутахассиси назоратида талабалар томонидан амалий кўникмаларни бажариш.

II. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	Балл	Баҳо	Талаба билимини баҳолаш мезони
1	86-100	Аъло	<u>Талаба билади, фикрлайди ва гапириб бера олади:</u> ▪ болалардаги ҳар хил касалликлардаги патологик ҳолатларда қиёсий ташхислаш масалаларини; ▪ госпитал этапгача бўлган босқичда келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни; ▪ бемор болаларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш принциплари; ▪ профилактика ва диспансер кузатув аспектлари; ▪ талаба хирургик касалликларни этиологиясини, ривожланиш босқичларини клиник кечувини, таснифини ва патагенезини тавсифлаб беради. <u>Талаба билади ва бажара олади:</u> ▪ Тўлиқ анамнез йиғиш ва беморларни текшириш ▪ Клиник кечувларга қараб касалликларни аниқлаш ▪ Клиник симптомларни асослай билиш (перкуссия, аускултация, пайпаслаш ва обектив кўрик) ▪ Клиника-лаборатор ва инструментал текширувлар режасини тузиш ▪ Умумий рентген текширувига қараб ҳар хил касалликларни аниқлаш ▪ Клиника-лаборатор текширув натижаларини аниқлаш ва тўғри интерпретация қилиш (умумий қон ва қон биохимияси ўзгаришларини) ▪ УТТ натижаларини аниқлаш ва интерпретация қилиш ▪ Гомеостазис бузилиши билан боғлиқ патологик ўзгаришларни мустақил равишда аниқлаш ва тўғри баҳолай олиш ▪ Комплекс консерватив даво принципларини тушунтира била олиш ▪ Беморларни консерватив ва оператив даволашга бўлган кўрсатмани аниқлаш ва турли мутахассислар консультациясини ташкил этиш ▪ Госпитал босқичдан сўнг диспансер кузатув ва реабилитация чора тадбирлари режасини тузиш ва касалликлар асоратларини олдини олиш мақсадида профилактика ва реабилитация чора тадбирларини ўтказиш, физиотерапевтик даво усуллари ўтказишга кўрсатмаларни билиш ▪ Амалий кўникмаларни ва қилиш техникаларини билади
2.	71-85	Яхши	Мавзу бўйича етарли даражада билимга эга бўлган ҳолда, талаба касалликлар диагностикаси, дифференциал диагностика аспектларини, даволаш тактикасини аниқлаш хусусида, диспансер кузатув ва реабилитацияси тўғрисида логик фикрлашни давом эттира олмайди. <u>Талаба билади ва бажара олади:</u> ▪ Анамнез йиғиш ва беморларни текширишни ▪ Клиник кечувларга қараб касалликларни аниқлаш ▪ Клиника-лаборатор ва инструментал текширувлар режасини тузиш ▪ Умумий рентген текширувига қараб ҳар хил касалликларни аниқлаш ▪ Комплекс консерватив даво принципларини тушунтира била олиш ▪ Госпитал босқичдан сўнг диспансер кузатув ва реабилитация чора тадбирлари режасини тузиш ва касалликлар асоратларини олдини олиш мақсадида профилактика ва реабилитация чора тадбирларини ўтказиш. ▪ Клиник симптомларни аниқлашда қўллай билади (перкуссия, аускултация, пайпаслаш ва обектив кўрикни)
3.	55-70	Қониқ арли	Мавзу бўйича қониқарли билимга эга бўлиб, талаба турли хил патологик ўзгаришларда дифференциал диагностика ўтказишни айтиб бера олади. <u>Фикрга эга:</u> ▪ касалликни клиникаси, патогенези, классификация ҳақида; ▪ диагностика методлари ҳақида: лабаротор ва инструментал; ▪ профилактика ва реабилитация чора тадбирлари ҳақида;

4.	0-54	Қоник арсиз	Болалар хирургик касалликлари бўйича тасаввурга эга бўлмаган ёки юзаки билимга эга.
----	------	----------------	---

7-курс талабалари учун госпитал болалар хирургияси фанидан амалий машғулотлар мавзулари

№	Мавзу номи	Соат
1	Болаларга хирургик ёрдамни ташкил қилиш принциплари. Амбулатор, кундузги ва стационар даволаш учун беморларни танлаш. Болаларда орган ва системалар ривожланиш нуқсонларида режали операция муддатлари. Соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўғинида ўтказиладиган операциялар, диагностик ва даволовчи манипуляциялар.	6
2	Қорин бўшлиғи, қорин парда орти ва генитал аъзолар касалликларида қориндаги оғриқ синдроми. Идентификация, диагностик меъзонлар, соғлиқни сақлашнинг биринчи бўғинида умумий амалиёт педиатрининг тактикаси.	6
3	Болаларда қусиш синдроми диагностикаси ва умумий амалиёт педиатрининг тактикаси.	6
4	Болаларда қорин бўшлиғида пайпасланувчи ўсма синдроми диагностикаси ва умумий амалиёт педиатри тактикаси	6
5	Болаларда кўкрак ичи таранглашуви синдроми диагностикаси ва умумий амалиёт педиатри тактикаси	6
6	Болаларда ошқозон ичак тизимидан қон кетиш билан кечувчи касалликлар диагностикаси ва умумий амалиёт педиатри тактикаси.	6
7	Болаларда қорин бўшлиғи хирургик касалликларида операциядан кейинги диспансеризация ва реабилитация. Операциядан кейинги асоратларнинг профилактикаси, асоратлар учраганда ССВ биринчи бўғинида диагностик ва даволаш тактикаси.	6
8	Болаларда урологик операциялар кейин ва сийдик тош касаллигида диспансеризация ва реабилитация. Операциядан кейинги асоратларнинг профилактикаси, асоратлар учраганда ССВ биринчи бўғинида диагностик ва даволаш тактикаси.	6
9	Болаларда проктологик ва аноректал касалликларида операциядан кейинги диспансеризация ва реабилитация. Операциядан кейинги асоратларнинг профилактикаси, асоратлар учраганда ССВ биринчи бўғинида диагностик ва даволаш тактикаси.	6
10	Болаларда кўкрак қафаси аъзолари касалликларида операциядан кейинги диспансеризация ва реабилитация. Операциядан кейинги асоратларнинг профилактикаси, асоратлар учраганда ССВ биринчи бўғинида диагностик ва даволаш тактикаси.	6
11	Оралиқ баҳолаш	6
12	Якуний назорат	6
	Жами:	72

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР ХРОНОКАРТАСИ

8.30-8.40	Ўуклама, машгулот мавзуси билан таништириш.
8.45-9.20	Эрталабки врачлар конференциясига катнашиш.
9.25-10.05	Машгулотнинг назарий кисмини муҳокама килиш.
10.05-10.15	Танаффус.
10.15-10.40	Беморларни куриш, тематик беморларни тахлил килиш, манипуляцияларда катнашиш.
10.40-11.00	Танаффус.
11.00-11.50	Мавзуни назарий кисмини таништиришни давом эттириш.
11.50-12.30	Тушлик.
12.30-13.40	Амалий куникмаларни узлаштириш.
13.40-14.05	Кейинги амалий машгулотнинг асосий мазмунини тушунтириш ва уйга топширик бериш